

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА ХУҚУҚИЙ ВОРИСЛИК ҲАМДА КРЕДИТОРЛАР МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ

Бухоро туманлараро иқтисодий суди раиси С.Т.Кушиаев

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси Д.Турдиев

Бухоро туманлараро иқтисодий суди судьяси А.О.Раҳматова

Ҳозирги геосиёсий ривожланиш даврида юридик шахсларнинг ижтимоий иқтисодий аҳамияти, унинг иштирокчилари, ҳуқуқий ворислари ҳамда кредиторларнинг манфаатлари, ҳуқуқлари чегараси ҳамда мажбуриятлари юзасидан кенг таҳлилий, назарий ва амалий ўрганишлар ўтказилмоқда. Бунинг сабаби эса шиддат билан ривожланиб келаётган электрон ҳамда сиёсий иқтисодиёт, кундан кунга мураккаблашиб бораётган ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ҳамда юзага келаётган низоларни олдидини олишга қаратилган.

Айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 49-моддасида айнан юридик шахсни қайта ташкил этиш тўғрисидаги норма мустаҳкамланган бўлиб, хусусан, юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) унинг муассислари (иштирокчилари) ёки таъсис ҳужжатларида шунга вакил қилинган юридик шахс органи қарорига мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Қонунда белгиланган ҳолларда юридик шахсни бўлиш ёки унинг таркибидан бир ёхуд бир неча юридик шахсни ажратиб чиқариш шаклида уни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органларининг қарори билан ёхуд суд қарори билан амалга оширилади.

Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилинган органи юридик шахсни ваколатли давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даъвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади. Бошқарувчи тайинланган пайтдан бошлаб унга юридик шахснинг ишларини бошқариш ваколатлари ўтади. Бошқарувчи судда юридик шахс номидан ҳаракат қилади, тақсимлаш балансини тузади ва уни юридик шахсларни қайта ташкил этиш натижасида вужудга келадиган таъсис ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиш учун судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келаётган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Шунингдек, ФКнинг 50-моддаси талабларига мувофиқ, Юридик шахслар қўшиб юборилганида улардан ҳар бирининг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахс бошқа юридик шахсга қўшилганида, бу юридик шахсга қўшилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар ўтади.

Юридик шахс бўлинган тақдирда унинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади.

Юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахс ажралиб чиққанида қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганида (ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгартирилганида), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ҳужжатида кўрсатилганлигидан ёки кўрсатилмаганлигидан қатъи назар янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юқорида қайд этилган нормадан кўришимиз мумкинки, қайта ташкил этилаётган юридик шахс барча мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларини қайта ташкил қилинаётган ҳуқуқӣ ворисга ўтказиши шарт. Бироқ, амалиётда кўп ҳоллатда мазкур субъектлар ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини ворисга ўтказмайди, амалда қайта ташкил этилаётган, шунингдек бўлиниб кетаётган юридик шахс ўзининг мажбуриятлари ва тегишли ҳуқуқларини тақсимлаш балансига кўра ўтказмайди ёки тақсимлаш балансида акс эттирилган дебитор қарздорликка оид ҳужжатларни ҳуқуқӣ ворисга топширмайди. Натижада ҳуқуқӣ ворис томонидан мазкур қарздорликлар ундирилмасдан корхона балансига зарар етказди ёхуд кредиторларнинг мажбуриятни янги корхона ёки эски корхона бажариши юзасидан низолар суд тартибида ҳал қилишига олиб келади.

"Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 96-моддасига кўра, Қайта ташкил этилаётган жамиятнинг фаолиятини тугатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказган ҳолда бир ёки бир нечта юридик шахсни ташкил этиш жамиятни ажратиб чиқариш деб эътироф этилади.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги юридик шахсни ташкил этиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш имкониятлари ҳамда бундай айирбошлаш тартиби, тақсимлаш

балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги юридик шахсни ташкил этиш, жамиятнинг акцияларини ажралиб чиқаётган юридик шахснинг акцияларига ва (ёки) улушига айирбошлаш имкониятлари ҳамда бундай айирбошлаш тартиби, тақсимлаш балансини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Жамият таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахс ажралиб чиққанда ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилган жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми тақсимлаш балансига мувофиқ уларнинг ҳар бирига ўтади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур ҳолатни бошқарув органлари ўзларининг хулосалари асосида иккита янги ташкил қилинаётган ҳуқуқий ворисларга ўзлари тақсимлашади. Тақсимлаш балансида қайта ташкил этилган корхонанинг ажралиб чиқувчи корхонага ўтман кўпгина ҳуқуқ ва мажбуриятлари аввалгисига қолади, акив ва пассивларни иккита ҳуқуқий ворисга номутаносиб тақсимланади, масалан биринчи ташкилотга асосан активлар, иккинчи ташкилотнинг чекига эса асосан мажбуриятлар ўтади ва бу ўзаро адлоатсизлик, номутаносибликни юзага келтиради. Шу ўринда ушбу ҳолатга ечим сифатида мажбуриятларни олинган активлар улушидан келиб чиққан ҳолда тақсимланишини қонунчиликда мустаҳкамлаш таклиф қилинади.